



QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRILIGI  
BUYRÍGÍ

10«avgust»2023 jil.

647-A/F-san

Nókis qalası

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг  
2023 йил 4 август кунги 03/1014-A/F-сон буйруғининг ижросини  
таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 июлдаги “Мустақиллик куни”га бағишланган “Янги нафас” халқаро оммавий югуриш мусобақалари ҳамда “Save aral” “GTL Night Run” “ЭкоЗаБег” оммавий югуриш мусобақаларини юқори савияда ташкил этиш тўғрисида йиғилишининг 47-сон баёни (05-20/1-1438-сон 31.07.2023 йил) асосида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 4 август кунги 03/1014-A/F-сон буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. “Мустақиллик куни”га бағишланган “Янги нафас” халқаро оммавий югуриш мусобақалари ҳамда “Save Aral” “GTL Night Run” “ЭкоЗаБег” оммавий югуриш мусобақаларини юқори савияда ташкил этиш тўғрисида йиғилишининг 47-сон баёни (бундан буён матнда баён деб юритилади) асосида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 4 август кунги 03/1014-A/F-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг мазкур буйруғи билан:

Куйидагилар:

- 2023 йил 3 сентябрь куни “Мустақиллик куни”га бағишланган “Янги нафас” халқаро оммавий югуриш мусобақаларини республиканинг 16 та шаҳрида (Андижон, Наманган, Фарғона, Нурафшон, Навоий, Гулистон, Жиззах, Самарқанд, Термиз, Бухоро, Қоровулбозор, Қарши, Ғузур, Хива, Нукус, Тошкент) ўтказилиши;

- 2023 йил 6 сентябрь - 29 октябрь кунлари “Save Aral”, “GTL Night Run”, “ЭкоЗаБег” оммавий югуриш мусобақаларини (Чуст шаҳри, Андижон тумани, Боғдод тумани, Олмалиқ шаҳри, Бекобод шаҳри, Самарқанд шаҳри, Ғузур шаҳри (“GTL Night Run”), Қоровулбозор тумани (“ЭкоЗаБег”) ташкил этиш ва ўтказиш

ҳамда унинг доирасида 200 минг нафардан ортиқ аҳолини оммавий югуриш тадбирига жалб этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилганлиги;

- оммавий югуриш мусобақаларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби тасдиқланганлиги; оммавий югуриш мусобақаларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича харажатлар сметаси мувофиқ тасдиқланганлиги инobatга олинганлиги;

а) Оммавий югуриш мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маблағлари, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг маҳаллий маблағлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликларнинг маблағлари, “Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳомийлик маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан қопланиши;

- жорий йилнинг 24 апрель – 1 май кунлари ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги V Осиё чемпионатида 441 нафар иштирокчиларининг (турар жой ва овқатланиш) харажатлари билан боғлиқ маблағлар тадбир доирасида ажратилган бюджет ва ҳомийлик хайриялари маблағлари ҳисобидан қопланиши;

б) Ўзбекистон енгил атлетика федерациясининг 2023 йилнинг 1-йрим йиллари якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси баённомалари асосида (2023 йил 17 февралдаги 8-сон баёни, 2023 йил 18 апрелдаги 17-сон баёни, 2023 йил 8 июндаги 40-сон баёни) мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш мобайнида келиб чиққан кредиторлик қарздорликларни ушбу баённомалар асосида ажратилган бюджет ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан қоплаш тўғрисидаги таклифига розилик берилганлиги;

- 2023 йил август - сентябрь ойларида Ўзбекистон енгил атлетика федерациясининг 2019-2023 йиллардаги фаолияти бўйича аудиторлик (молиявий ва юридик) текширувини амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинганлиги;

в) Ёшлар ишлари агентлиги (**А.Саъдуллаев**)га:

- баённинг 2-иловага мувофиқ 500 000 000 (беш юз миллион) сўм маблағларни уч кун муддатда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон енгил атлетика федерациясининг банк ҳисоб рақамига ўтказиб берилишини таъминлаш;

- Спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаблари билан биргаликда мусобақада иштирок этиш учун аҳолининг кенг қатламлари, хусусан, ёшлар, талабалар, хотин-қизлар, машҳур спортчилар, спорт фахрийлари, нуронийларни жалб этиш вазифалари юклатилганлиги;

г) Қорақалпоғистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бошқармалари бошлиқлари жойларда мусобақаларни юқори савияда ўтказиш учун шахсан масъулликлари белгилаб қўйилсин ва қўйидагиларни амалга ошириш;

- мусобақани юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш мақсадида ҳудудий штаб фаолиятини йўлга қўйиш ва штаб аъзоларининг аниқ вазифаларини белгиланганлиги;

- мусобақада иштирок этиш учун аҳолининг кенг қатлами, хусусан, ёшлар, талабалар, хотин-қизлар, спорт фахрийлари ва нуронийларни жалб этиш;

- бир ҳафта муддатда мусобақалар ўтиш жойи, масофалари ва йўналиш чизмаларини тасдиқлаш;

- оммавий югуриш мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш ҳамда кенг ёритиш учун тайёрланган реклама роликларини шаҳар кўчаларидаги (LED дисплейлари) экранларга жойлаштириш;

- ташкилий қўмита томонидан тақдим этилган жойлашув харитасига мувофиқ савдо нуқталарини (буфетлар) ташкил қилишда ҳамкорлик қилиш;

е) оммавий югуриш мусобақаларнинг бадий қисмини тантанали ташкил этиш ва мусобақа ўтиш жойларини баннерлар билан безатиш;

- оммавий югуриш мусобақалар ўтказиладиган жойларни ободонлаштириш ишларини ташкил этиш;

- баён билан тасдиқланган сарф-харажатлар сметасига мувофиқ сифат бўйича ташкилий қўмитадан тасдиқланган иштирокчилар учун тадбир дизайни туширилган маҳсус тўплам (футболкалар (Dryfit), кепка, сумкалар (2 000 дона, Тошкент шаҳрида 5500 дона)) тайёрлаш;

- ғолиб ва совриндорлар 1-3 ўрин учун ва ногирон, энг ёш, энг кекса номинациялар бўйича иштирокчиларни қимматбаҳо совғалар (эркаклар, аёллар) билан тақдирлаш вазифалари юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги барча ташкилот ва муассасалар раҳбарларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 июлдаги “Мустақиллик куни”га бағишланган “Янги нафас” халқаро оммавий югуриш мусобақалари ҳамда “Save aral” “GTL Night Run” “ЭкоЗаБег” оммавий югуриш мусобақаларини юқори савияда ташкил этиш тўғрисида йиғилишининг 47-сон баёни (05-20/1-1438-сон 31.07.2023 йил) асосида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 4 август кунги 03/1014-А/Ф-сон буйруғининг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамиятини ходимлари ўртасида тушинтириш ишлари олиб борилсин.

4. Оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш шўъбаси **(И.Қудияров)**, Ўзбекистон Енгил атлетика федерация Қорақалпоғистон бўлими

**(Т.Арзибеков)**, тегишли Спорт муассаса директорлари ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси **(П. Мақсетбаев)** билан биргаликда;

а) мусобақани юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш мақсадида ҳудудий штаб фаолиятини йўлга қўйиш ва штаб аъзоларининг аниқ вазифаларини белгилаш;

б) мусобақада иштирок этиш учун аҳолининг кенг қатлами, хусусан, ёшлар, талабалар, хотин-қизлар, спорт фахрийлари ва нурунийларни жалб этиш;

в) бир ҳафта муддатда мусобақалар ўтиш жойи, масофалари ва йўналиш чизмаларини тасдиқлаш;

г) оммавий югуриш мусобақаларнинг бадий қисмини тантанали ташкил этиш ва мусобақа ўтиш жойларини баннерлар билан безатиш;

д) оммавий югуриш мусобақалар ўтказиладиган жойларни ободонлаштириш ишларини ташкил этиш;

5. Вазирликнинг Марказлаштирилган бухгалтерия хизмати шўъбаси бошлиғи **(З.Уразимбетова)**га:

а) баён билан тасдиқланган сарф-харажатлар сметасига мувофиқ сифат бўйича ташкилий қўмитадан тасдиқланган иштирокчилар учун тадбир дизайни туширилган махсус тўплам (футболкалар (Dryfit), кепка, сумкалар (2 000 дона) тайёрлаш;

б) ғолиб ва совриндорлар 1-3 ўрин учун ва ногирон, энг ёш, энг кекса номинациялар бўйича иштирокчиларни қимматбаҳо совғалар (эркаклар, аёллар) билан тақдирлаш вазифалари юклатилсин.

6. Вазирликнинг Ахборот хизмати **(А.Пирияров)**га:

- мусобақа жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда мунтазам равишда ёритиб борилишини тавсия этиш ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш вазифалари юклатилсин.

7. Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми шўъбаси бош мутахассиси **(А.Турениязов)**га:

мазкур буйруқ билан вазирликнинг тегишли шўъба бошлиқларини таништириш ҳамда Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси Қорақалпоғистон бўлими ва спорт мактабларига юбориш вазифалари юклатилсин.

8. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров